

КАТТА ЎЙИН

Икки империя тўқнашуви



ПИТЕР ХОПКИРК



Питер Хопкирк

КАТТА ЎЙИН

Икки империя тўқнашуви



THE GREAT GAME

On Secret Service in High Asia

PETER HOPKIRK

'Now I shall go far and far into the
North, playing the Great Game ...'

Rudyard Kipling, *Kim*, 1901

JOHN MURRAY

КАТТА ЎЙИН

Икки империя тўқнашуви

ПИТЕР ҲОПКИРК

“Энди мен Катта ўйин оғушида
шимол томон тобора
олислаб бораман...”

Редьярд Киплинг, “Ким”, 1901 йил



УЎК 94(58)
КБК 63.3(543)
Х 65

ҲОПКИРК, Питер

Катта ўйин: Икки империя тўқнашуви [Матн]:
Питер ҲОПКИРК; таржимон Шодиёр Нишонбоев. –
Тошкент: NIHOL, 2022. – 744 б.

ISBN 978-9943-23-198-6

Таржимон

Шодиёр Нишонбоев

*“Asaxiy Books” лойиҳаси доирасида таржима ва
чоп қилинди.*

Европаликларнинг Марказий Осиёга азалдан қизиққани тарихдан маълум. Аммо минтақага тадқиқотчи сифатида келиб, бу ердаги ижтимоий-сиёсий ҳаётни ўрганган сайёҳлар, тадқиқотчилар ҳақидаги маълумотлар жуда оз. Уларнинг ўзбек тилига таржима қилинган асарлари деярли йўқ.

Юз берган воқеаларда бевосита иштирок этган кўплаб қаҳрамонларнинг кундаликлари асосида ёзилган ушбу китобда ўтмишдаги сиёсий ҳаёт, минтақани бўлиб олиш учун икки қудратли мамлакат ўртасида кечган можаролар акс этган.

Тарих ҳар кимнинг талқинида турлича ифода топади. Қўлингиздаги китобда Марказий Осиёнинг яқин ўтмишига оид саҳифалари европалик муаллиф талқинида баён этилган. Бу ҳам ўз тарихимизга турли томондан боқиш учун бир имкониятдир.

УЎК 94(58)

ISBN 978-9943-23-198-6

© “Asaxiy Books” МЧЖ, 2022

© The Estate of Peter Hopkirk 1990, 2006

Кэтга багшлайман



Мундарижа

Сўзбоши. Янги катта ўйин	9
Ташаккурнома	15
Муқаддима	21

ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАР **33**

Сариқ хавф	35
Наполеон юзага келтирган мудҳиш ҳолат. .	52
Катта ўйинга тайёргарлик	71
Рус таҳликаси	96
Барча йўллар Ҳиндистонга олиб боради . .	112
Рус ўйинчиларининг биринчиси	122
Икки ит ҳақидаги ғалати ҳикоя	138
Окс дарёси бўйидаги ўлим	152
Барометр кўрсаткичи пасаймоқда	164

МАВҲУМ ЙИЛЛАР **179**

Катта ўйин	181
Бернснинг Бухорога кириши	197
Дунёнинг энг буюк истеҳкоми	221
Сирли Виткевич	237
Ҳирот қаҳрамони	250
“Қўғирчоқ шоҳ” раҳнаmolари	266
Хива учун пойга	285
Қулларнинг озод қилиниши	299
Қиличлар оқшоми	321
Фалокат	339
Довондаги қирғинбарот	358
Конолли ва Стоддартнинг сўнгги лаҳзаси. .	383
Танаффус	398

МУҲИМ ЙИЛЛАР

413

Катта рус истилосининг бошланиши	415
Тошкент арслони	429
Буюк ипак йўлидаги айғоқчилар	448
Бўғизга тиралган ханжар ҳисси	471
Шимоллик шифокор	491
Капитан Бернабининг Хивага сафари	505
Бола Ҳисордаги хунрезлик	530
Туркманларнинг сўнгги қалъаси	554
Уруш бўсағасида	574
Шарққа томон темир йўл қуриш пойгаси . . .	591
Уч империя тўқнаш келган жой.	614
Баланд Помирдаги қайноқ нуқта.	638
Читрал учун пойга.	662
Интиҳонинг ибтидоси.	688
Ўйиннинг якун топиши.	704
Библиография.	720

Сўзбоши

Янги катта ўйин

Ушбу китоб илк бор ўн олти йил аввал ёзилган¹, шундан бери юз берган муҳим воқеалар “*Катта ўйин*” мамлакатларини ларзага келтирди ва қиссамнинг аҳамиятини сезиларли даражада оширди. Кўп йиллик мавҳумликдан сўнг Марказий Осиё тўсатдан матбуотда яна бир бор катта сарлавҳалардан ўрин олди, у XIX асрда Чор Россияси ва Виктория Британияси ўртасида Катта ўйин авжига чиққан пайтда ҳам бу мавқега тез-тез лойиқ кўриб туриларди.


1991 йилда коммунизмнинг кутилмаганда драматик кулаши ҳамда Совет иттифоқининг парчаланиши билан деярли бир кечада бешта (агар Кавказ минтақасини қўшсак, саккизта) бутунлай янги мамлакат пайдо бўлди. Аввалига, ҳатто Марказий Осиё ҳақида кўп йиллик тажрибага эга бўлганлар ҳам янги географик ва сиёсий бошқотирма билан танишиб чиқишда қийинчиликларга дуч келди. Қирғизистон каби романлашган (лотин ёзувида ифодаланган) давлат номларини талаффуз қилишга тили айланмаганини айтмаса ҳам бўлади.

Агар бутун минтақа Совет Марказий Осиёси деб аталганида, буларнинг ҳаммаси анча соддароқ бўларди. Ма-

¹1990 йил назарда тутилмоқда (*Ҳаволада келтирилган барча изоҳлар таҳририятга тегишли*).



- 1 – Янги Катта ўйиннинг жанг майдони, 2 – Астрахань, 3 – Қозоғистон,
 4 – Россия, 5 – Каспий денгизи, 6 – Сирдарё, 7 – Туркистон, 8 – Жамбул,
 9 – Олмаота, 10 – Грузия, 11 – Батуми, 12 – Тбилиси (Тифлис), 13 –
 Қизилкум саҳроси, 14 – Чимкент, 15 – Бишкек, 16 – Арменистон,
 17 – Озарбайжон, 18 – Красноводск, 19 – Хива, 20 – Ўзбекистон, 21
 – Тошкент, 22 – Қирғизистон, 23 – Андижон, 24 – Ўш, 25 – Қўқон,
 26 – Қашқар, 27 – Арзирум, 28 – Ереван, 29 – Тоғли Қорабоғ, 30 –
 Туркменистон, 31 – Бухоро, 32 – Самарканд, 33, 34 – Тожикистон,
 35 – Ёркент, 36 – Хитой, 37 – Туркия, 38 – Ван, 39 – Нахичеван



- 40 – Табриз, 41 – Ленкорань, 42 – Марв, 43 – Амударё, 44 – Термиз,
 45 – Душанбе, 46 – Ирок, 47 – Қазвин, 48 – Машхад, 49 – Мазори
 Шариф, 50 – Читрал, 51 – Гилгит, 52 – Тигрис дарёси, 53 – Техрон, 54
 – Ҳирот, 55 – Жалолобод, 56 – Кобул, 57 – Ҳайбар довори, 58 – Евфрат
 (Фрот) дарёси, 59 – Бағдод, 60 – Қум, 61 – Афғонистон, 62 – Ғазна, 63
 – Пешовар, 64 – Равалпинди, 65 – Исфакон, 66 – Қандаҳор, 67 – Лаҳор,
 68 – Басра, 69 – Эрон, 70 – Шероз, 72 – Қветта, 73 – Ҳинд дарёси, 74 –
 Ҳиндистон, 75 – Кувайт, 76 – Форс кўрфази, 77 – Бушир

бодо қўлга кирита олсангиз, биргина виза сизга Бокудан Бухорога, Тбилисидан Тошкентга, жумладан, Москва ва Ленинградга ҳам бориш имконини берарди. Гарчи шахсий фикрим бўлса-да, у ерга совук урушнинг қизғин палласида саёҳат қилиш, айниқса, яширин тадқиқотлар олиб борилаётган бўлса, ҳар доим худди душман линияси ортига билдирмай боришдек саргузашт эди.

Москва кутилмаганда чиқиб кетгандан сўнг янги пойтахтларда Ғарб элчихоналари очила бошлади, “совет” атамаси харитадан ўчириб ташланди ва тарих китоблари шошилинич равишда қайта ёзилди, чет эл компаниялари эса тижорий-иқтисодий бўшлиқни тўлдириш учун астойдил қадам ташлади. Чунки Марказий Осиёда XX асрнинг сўнгги улкан хазиначилари борлиги ҳеч кимга сир эмасди. Буларга нафақат муҳим нефть қувурлари йўналишлари, балки ҳайратда қолдирадиган нефть ва газ захиралари, бой олтин конлари, қумуш, мис, рух, кўрғошин ва темир рудалари кирарди. Рақобат шу қадар кучли тус олдики, Ғарбдаги сиёсий таҳлилчилар ва мақола муаллифлари тезда янги “Катта ўйин” ҳақида гапира бошлашди, хорижнинг қудратли рақиб давлатлари ҳамда катта компаниялари эса у ерда ўз таъсир доирасига эга бўлиш учун кураш бошладилар. Айримларининг махфий стратегик ҳамда сиёсий режалари ҳам бор эди.

Аммо бирданига коммунизмни тарқ этиб, барча учун мутлақо очиқ капитализмга ўтиш оғир йўқотишлар билан кечди. Грузия, Озарбайжон, Арманистон, Тожикистон ҳамда Ўзбекистонда кичик, аммо даҳшатли тартибсизликлар юзага келди, Россия жанубидаги Чеченистон ва Шимолий Осетия каби қўшни ҳудудларни-ку, айтмаса ҳам бўлади. Рақобатлашаётган фракцияларнинг ҳокимият учун курашиши натижасида жуда беқарор мазкур минтақа жунбишга келди.

Буни ёзарканман, у ерда ҳамма нарса бир зум сокинликка юз тутгандек бўлди. Аммо бу сокинлик эски

Катта ўйин жанг майдонидан бошқа ерга тааллуқли эмас. Қарийб бир аср давом этган Британия–Россия қарама-қаршиликларининг қоқ маркази бўлган Афғонистонда қон тўкиш маҳаллий аҳолига хос нарсасдек бўлиб қолган. 1979 йилда руслар ўзларининг қўғирчоқ ҳукумати-ни ўрнатиш ва уни қўллаб-қувватлаш учун 100 минг кишилик қўшинни Афғонистонга олиб кирди. Аммо ўн йиллик шафқатсиз урушдан сўнг улар шармандаларча чекинишга мажбур бўлди. Руслар ортларидан ўзларининг қўғирчоқ президенти – генерал Муҳаммад Нажибуллоҳни ёлғиз қолдирди. Тўрт йил ўтгач, у Кобул устидан ғалаба қозонган толиблар қўлига асир тушди. Нажибуллоҳни унга бошпана берган БМТ биносидан судраб олиб келишди, ваҳшийларча қалтаклашди, ахталашди ва намоёйишкоро-на осиб ўлдиришди. Унинг ўлимини тасвирловчи даҳшатли фотосуратлар дунё газеталарининг бош саҳифаларида босиб чиқарилди. Шунингдек, у “*Катта ўйин*” китобини пушту тилига таржима қилдириб, дўстларига ўтмишдаги даҳшатли хатолар такрорланмаслиги учун асарни ҳар бир афғонга мажбуран ўқитиш кераклигини айтгани ҳақида хабар қилинганди.

Руслар ортидан 2001 йилда Афғонистонга АҚШ, Британия, Канада, Голландия ва бошқа НАТО қўшинлари киритилди. Бу Ғарб объектларига “11 сентябрь” хужумлари у ерга ўрнашиб олган “Ал-Қоида” яширин базалари томонидан амалга оширилган бўлиши мумкин, деган қўрқув туфайли пайдо бўлди. НАТО бошчилигидаги кучларга бундай кўпорувчиларни йўқ қилиш билан бир қаторда, тинчликни сақлаш, сайловларга тайёргарлик кўриш, нарқобаронларни йўқ қилиш ва нормал ҳаётни қайта тиклаш ишларида ёрдам бериш вазифаси юкланди. Айни пайтда Буюк Британия ушбу даҳшатли, ечими йўқдек туюлган вазифани ҳал қилишга ёрдам бериш учун кўпроқ қўшин юборишни режаламоқда. Бу вазифа ҳозирги кунга

қадар 22 нафар Британия ҳарбий хизматчисининг ҳаётига зомин бўлди — бу эса ҳар саккиз кунда битта ҳарбий ўлди, демакдир. Айни пайтда Афғонистондаги бу шафқатсиз кураш нима билан тугашини олдиндан тасаввур қилиб бўлмайди.

Янги Катта ўйиннинг икки қудратли иштирокчиси АҚШ ҳамда Россия Марказий Осиёнинг бой газ ва нефть захираларига эга бўлиш учун уни тинч ва ҳамжихатликда саклашга интиломда. Дарҳақиқат, Россиянинг дунё миқёсидаги янги қудрати кўп жиҳатдан у ердан ўтган қувурлар устидан назоратига боғлиқ. Марказий Осиёдаги қайсидир янги мамлакатнинг жалб қилувчи ва таҳликали нефть можароси, фундаментализми, ядровий қуролларига эга бўлиши мумкин бўлган Эронга эргашиши ҳақидаги ўй Вашингтон ва Москвада катта ваҳима уйғотади. Хайриятки, ҳозирги кунда бу нарсанинг юз бериши эҳтимолдан йироқ.

Америкаликлар ва руслардан ташқари, минтақанинг қудратли давлатлари, хусусан, Хитой, Ҳиндистон, Покистон воқеаларни алоҳида қизиқиш ҳамда хавотир билан кузатишмоқда. Рус ҳокимиятининг қулаши натижасида Марказий Осиё яна тарихнинг қайнаб турган қозонига ташланди. Энди у ҳудудда деярли ҳамма нарса рўй бериши, унинг келажагини эса фақат жасур ёки телба одамгина башорат қилиши мумкин. Шу боис ушбу қисқача кириш сўзини айтмаганда, асл ҳикоямни янгилашга ҳаракат қилмадим. Бироқ барча ноаниқликлар орасида битта нарса аниқ кўринади. Бу яхшими ёки ёмонми, Марказий Осиё яна бир бор жамоатчиликнинг диққат марказига қайтди ҳамда у ерда узок вақт қолиб кетадиганга ўхшайди.

Питер Хопкирк

Ташаккурнома

Кўп йиллар муқаддам, 19 ёшли кичик зобит бўлган пайтимда, Фицрой Маклиннинг Марказий Осиёга амалга оширилган саёҳатлар ҳақида сўзловчи классик асари – *“Шарқона ёндашувлар”*ни ўқигандим. Сталин ҳуқронлигининг энг қора йилларида Кавказ ва Туркистонда содир бўлган саргузаштлар ҳамда сиёсат ҳақидаги шиддатли воқеаларга бой асар менга ва, шубҳасиз, бошқаларга ҳам кучли таъсир қилди. Шу вақтдан бошлаб, Марказий Осиёга боғлиқ қўлимга тушган ҳамма нарсани зўр иштиёк билан ўргандим ва чет элликларга эшиклар очилган заҳоти у ерга саёҳат қила бошладим. Шу тариқа олти китобим, жумладан, Марказий Осиё ҳақида ёзган сўнгги асаримга қисман сэр Фицрой сабабчидир, айримлар тили билан айтганда эса “айбдор”дир. Шу боис Тбилиси, Тошкент, Қашқар ва Хўтан томон қўйган илк қадамларим учун ундан бениҳоя миннатдорман. Марказий Осиё ҳақида *“Шарқона ёндашувлар”*дан ҳам тушунарлироқ асар ҳали ёзилмаган, ҳаттоки ханузгача бу китобни қўлимга олганимда кучли хаяжон ҳис этаман.


Аммо бу ҳикояни бир бутун қилиб жамлашда Катта ўйинда иштирок этган, чўл ва тоғлар бўйлаб дуч келган саргузашт ҳамда мусибатлари ҳақидаги тафсилотларни ёзиб қолдирган шахслар олдида бениҳоя қарздорман. Улар

тасвирлаб берган кўплаб драматик сахналарсиз асар ҳеч қачон бу шаклга келмаган бўларди. Бир қатор алоҳида иштирокчиларнинг таржимаи ҳоллари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг иштироки фойдадан холи бўлмади. Муҳорабанинг сиёсий ва дипломатик фони учун ўша давр мутахассис тарихчиларининг сўнги маълумотларидан тўла фойдаландим. Британия империяси тарихининг улкан архивидан кўплаб ёзувлар ва бошқа материалларни тақдим этгани учун Ҳиндистон кутубхонаси ва аудиоёзувлари идораси ходимларига ҳам катта раҳмат айтаман.


Ҳаммадан кўпроқ миннатдор бўлишим керак бўлган инсон – рафиқам Кэт. Унинг барча нарасада синчковлиги ушбу ва аввалги китобларимни ёзиш босқичларидаги изланишларимга катта ҳисса қўшди. Ҳикояларимнинг илк тингловчиси Кэт бўлган ва у туфайли асарнинг таъсирчанлигини синаб кўрганман. Олтита харита учун қоралама тайёрлашдан ташқари индексни ҳам тузди. Ва ниҳоят, Гейл Пиркиснинг китобимга муҳаррирлик қилиши катта омадим бўлди. Ўз ишининг моҳир устаси эканлиги, сокин ва хушфёъллиги, ўзгармас сурати китоб чоп этилгунига қадар ўтган кўп ойлар мобайнида таҳрирлашда катта ёрдам берди. Таъкидлаб ўтиш жоизки, Гейл Гонконгдаги Оксфорд университети матбуотида бўлганида, Марказий Осиё ҳақидаги бир қатор муҳим асарларни жозибали кўринишда қайта чоп эттириб, йўқ бўлиб кетишдан сақлаб қолди. Улардан камида иккитаси Катта ўйин қаҳрамонлари томонидан ёзилганди.

Имло учун қайдлар


Мазкур ҳикоядан ўрин олган кўплаб исм ва жой номлари йиллар давомида турли йўллар билан ёзилган ва романлаштирилган. Булар – Тартар/Татар, Эрзерум/Арзирум, Туркоман/Туркман, Қашқар/Қаши, Тифлис/Тбилиси кабилар. Изчил ва содда бўлиши учун мен кўпроқ ушбу воқеаларда қатнашганларга таниш имло билан кифояландим.



- 1 – Кавказ, 2 – километр, 3 – мил, 4 – Россия, 5 – Волга дарёси, 6 – Кубан дарёси, 7 – Астрахань, 8 – Сужуккальа, 9 – Армавир, 10 – Черкасия, 11 – Черкас, 12 – Каспий денгизи, 13 – Қора денгиз, 14 – Теберда, 15 – Тарак дарёси, 16 – Доғистон, 17 – Петровск, 18 – Трапезунд, 19 – Батум, 20 – Грузия, 21 – Тифлис, 22 – Дарбанд, 23 – Артвин, 24 – Ереван хонлиги, 25 – Кура дарёси, 26 – Арзирум, 27 – Карс, 28 – Севан кўли, 29 – Озарбайжон, 30 – Боку, 31 – Арарат тоғи, 32 – Ереван, 33 – Аракс дарёси, 34 – Қорабоғ, 35 – Аракс водийси, 36 – Ван кўли, 37 – Нахичеван, 38 – Табриз, 39 – Ленкорань, 40 – Туркия, 41 – Урмия кўли, 42 – Мароға, 43 – Форс, 44 – Техрон, 45 – асосий харита худуди, 46 – Тифлис, 47 – Боку, 48 – Табриз



- 1 – Урал дарёси, 2 – Оренбург, 3 – Марказий Осиё, 4 – Мўғулистон, 5 – Ирғиз чўли, 6 – Олтой тоғи, 7 – Гурьев, 8 – Казала, 9 – Қозоқ дашти, 10 – Балхаш кўли, 11 – Или дарёси, 12 – Ғулжа, 13 – Урумчи, 14 – Ҳами, 15 – Турфон, 16 – Александровск қалъаси, 17 – Орол денгизи, 18 – Оқмачит, 19 – Сирдарё, 20 – Туркистон, 21 – Тяньшань, 22 – Шинжон, 23 – Боку, 24 – Красноводск, 25 – Хива, 26 – Қизилкум саҳроси, 27 – Чимкент, 28 – Тошкент, 29 – Қашқар, 30 – Таклимакон саҳроси, 31 – Табриз, 32 – Каспий денгизи, 33 – Узун-Ада, 34 – Қоракум саҳроси, 35 – Окс (Амударё), 36 – Бухоро, 37 – Зарафшон водийси, 38 – Самарқанд, 39 – Ёркент, 40 – Кўктепа, 41 – Ашхобод, 42 – Муҳаммадобод, 43 – Тажан, 44 – Марв, 45 – Қарши, 46 – Помир, 47 – Хўтан, 48 – Техрон, 49 – Астробод, 50 – Машҳад, 51 – Сарахс, 52 – Хважа, 53 – Салах, 54 – Балх, 55 – Термиз, 56 – Хунза, 57 – Қорақурум довони, 58 – Тибет, 59 – Форс



60 – Хуросон, 61 – Хирот, 62 – Гилгит, 63 – Кашмир, 64 – Чан Лун довони,
 65 – Қорақурум, 66 – Исфакон, 67 – Кермон сахроси, 68 – Хилменд сах-
 роси, 69 – Афғонистон, 70 – Ғазна, 71 – Сринагар, 72 – Лех, 73 – Ладакх,
 74 – Ҳинд дарёси, 75 – Атток, 76 – Кайлас тоғи, 77 – Шигадзе, 78 – Лхаса,
 79 – Харг, 80 – Бушир, 81 – Шероз, 82 – Кермон, 83 – Қандаҳор, 84 – Пан-
 жоб, 85 – Лаҳор, 86 – Симла, 87 – Цангпо дарёси, 88 – Кампа дзонг, 89 –
 Каро довони, 90 – Ғянгдзе, 91 – Фари, 92 – Ёатунг (Шасима), 93 – Желеп
 довони, 94 – Форс кўрфази, 95 – Реган, 96 – Басман, 97 – Мугси, 98 – Пухра,
 99 – Бампур, 100 – Каллуган, 101 – Гулл, 102 – Балужистон, 103 – Нушки,
 104 – Кветта, 105 – Болас довони, 106 – Келат, 107 – Мўлтон, 108 – Сутлей
 дарёси, 109 – Лудхиана дарёси, 110 – Дехрадун, 111 – Ҳимолай, 112 –
 Макран, 113 – Ҳайдаробод, 114 – мил, 115 – Ҳиндистон, 116 – Ганг дарёси,
 117 – Араб денгизи, 118 – Карачи, 119 – километр



- 1 – Узоқ Шарқ, 2 – мил, 3 – километр, 4 – Россия, 5 – Шарқий Сибирь, 6 – Камчатка, 7 – Чита, 8 – Амур дарёси, 9 – Николаевск, 10 – Хитой, 11 – Манжурия, 12 – Хабаровск, 13 – Сахалин ороли, 14 – Харбин, 15 – Уссури дарёси, 17 – Кирин, 18 – Владивосток, 19 – Хоккайдо, 20 – Пекин, 21 – Мукден, 22 – Ялу дарёси, 23 – Япон денгизи, 24 – Тяньдзинь, 25 – Дальний, 26 – Хонсю, 27 – Япония, 28 – Токио, 29 – Порт-Артур, 30 – Корея, 31 – Синьдао, 32 – Сарик дарё, 33 – Сеул, 34 – Цусима бўғози, 35 – Ҳикоку, 36 – Кусю, 37 – Тинч океан, 38 – Ханкоу, 39 – Шанхай, 40 – Янцзи дарёси, 41 – Нанкин, 42 – Коулун, 43 – Формоза, 44 – Ҳонконг, 45 – Макао, 46 – Владивосток, 47 – Пекин, 48 – Токио, 49 – Гонконг, 50 – асосий харита майдони

Муқаддима



1842 йил июнь. Эрта тонгдан Марказий Осиёнинг Бухоро шаҳридаги амир саройи олдида жойлашган, чанг билан қопланган улкан майдонда кийимларининг увадаси чиққан, тиз чўккан икки киши кўринарди. Махбусларнинг қўллари орқасига маҳкам боғланган бўлиб, аҳволи аянчли эди. Бу бахтиқароларнинг очлик силласини куритган яғир таналари яралар билан қопланган, соч-соқолию кийимлари битга тўла эди. Уларнинг ёнгинасида янги қазилган иккита лаҳад кўзга ташланарди. Вазиятни бухороликлардан иборат кичик бир оломон жимгина кузатиб турарди. Одатда қатл олис ва ҳамон ўрта асрларга оид қарвон шаҳрида унчалик эътиборни тортмасди, чунки шафқатсиз ҳамда золим амир ҳукмронлигида бу каби жазо тури тез-тез учраб турарди. Аммо бу сафаргиси ўзгача эди. Беаёв қиздираётган чошгоҳ қуёши остида жаллод рўпарасида тиз чўккан икки эркак Британия зобитлари эди.

Амир уларни бир неча ой мобайнида лойдан қурилган қалъа остидаги, каламушларга тўла қоронғи зиндонда сақлаганди. Бу икки инсон – полковник Чарльз Стоддарт ва капитан Артур Конолли бўлиб, уйларида салкам 6500 километр узокликда, бугунги кунда бу ерларда илгари

нима содир бўлганидан мутлақо беҳабар чет эллик сайёҳлар автобуслардан тушадиган жойда, ўлим билан юзма-юз келишганди. Стоддарт ва Конолли ўта хавфли ўйин – Катта ўйинда иштирок этишнинг бадалини тўламоқда эдилар, чунки бу ўйинга бош қўшиш ҳаётни хавф остига қўйиш билан баробарлиги ҳаммага маълум эди. Ажабланарлиси шундаки, гарчи “Катта ўйин” атамасини анча йиллар ўтиб Киплинг “Ким” романида абадийлаштирган бўлсада, уни биринчи бўлиб Коноллинг ўзи ўйлаб топганди.

Ўша июнь тонгида дўстининг кўз ўнгида қатл этилган икки эркакнинг бири Стоддарт эди. У Бухорога “Ост Индия” компанияси томонидан русларга қарши иттифок тузишга уриниб кўриш учун юборилганди, чунки русларнинг Марказий Осиёга юриши келгуси режаларига путур етказиши мумкинлигидан инглизларнинг хавотири ошганди. Аммо ишлар чаппасига кетди. Офицер биродарини озодликка чиқаришга интилган Конолли Бухорога етиб келганида, у ҳам амирнинг даҳшатли зиндонига ташланди. Стоддарт бошидан жудо этилиши биланоқ Конолли ҳам у дунёга равона бўлди. Бу икки кишининг жасад қолдиқлари ҳозирги кунда амирнинг бошқа қурбонлари қатори майдон остидаги кўпдан бери унутилган даҳшатли қабристонда ётибди.

Стоддарт ва Конолли шунчаки ярим асрдан кўпроқ вақт Катта ўйинда қатнашган, ўз саргузаштлари ҳамда мусибатлари билан асарни янада кизиқроқ қилган кўплаб инглиз, рус зобитлари ва тадқиқотчиларидан эди, холос. Сиёсий ҳукмронликка қаратилган бу яширин кураш кечган кенг “шахмат тахтаси” Ғарбда қорли Кавказдан тортиб, Марказий Осиёнинг улкан чўллари ва тоғ тизмалари бўйлаб, Шарқда Хитой Туркистони¹ ва Тибетга қадар чўзилганди. Осиёда хизмат қилаётган шуҳратпараст рус зобитларининг Лондон ва Калькуттани ташвишлантирган ҳолда жон-жаҳдлари билан қўлга киритишни кўзлаган энг катта ўлжаси Британия Ҳиндистони эди.

¹ Муаллиф Шарқий Туркистонни назарда тутган.

Буларнинг ҳаммаси XIX асрнинг бошларида, рус қўшинлари Кавказ орқали жануб томонга, кейин ўша пайтда жангари мусулмон ва насроний қабилалар яшайдиган Форс давлатига ҳужум уюштирганда бошланди. Аввалига бу Россиянинг икки аср муқаддам Сибирь бўйлаб шарқ томонга қилган катта юриши сингари Британия манфаатларига жиддий таҳдид солмаётганга ўхшаб кўринди. Буюк Екатерина ҳақиқатан ҳам Ҳиндистонга юриш ғоясига юзаки қараганди, 1801 йилда унинг ўғли Пол бу ерларга босқинчилик учун қўшин юборишга эришди, бироқ унинг ўлиmidан кейин қўшин зудлик билан қайта чақириб олинди. Аммо ўша кунларда ҳеч ким русларнинг бу ҳаракатини жиддий қабул қилмаганди, чунки уларнинг энг яқин чегара постлари ҳам “Ост Индия” компаниясининг мол-мулкига чинакамига хавф солиши учун жуда узоқда жойлашганди.

Шундан сўнг 1807 йили Британия ҳукумати ва компания раҳбарларини жиддий ташвишга солган махфий маълумот Лондонга етиб борди. Ўзининг Европадаги ажойиб ғалабаларидан илҳомланган Наполеон Бонапарт Павелнинг вориси шоҳ Александр I га биргаликда Ҳиндистонга бостириб кириш ва уни Британия ҳукмронлиги исканжасидан юлиб олиш таклифини билдирди. Пировардида, у Александрга ўзларининг бирлашган қўшинлари билан бутун дунёни забт этиб, уни иккига бўлиб олишлари мумкинлигини айтганди. Лондон ва Калькуттада Наполеоннинг узоқ вақтлардан бери Ҳиндистонга кўз тикиб келаётгани сир эмасди. У, шунингдек, Ҳиндистонни қўлга киритиш йўлида инглизларга биринчи жангда шармандаларча мағлуб бўлган французлар учун ҳам қасос олишга ташна эди.

Унинг ғаройиб режасига кўра, 50 000 кишидан иборат француз қўшини Форс давлати ва Афғонистон бўйлаб юриб, у ерда Ҳинд дарёси орқали Ҳиндистонга тўсатдан ҳужум қилиш учун Александрнинг казаклари билан

бирлашиши лозим бўларди. Аммо бу тайёр озиқ-овқат захиралари, йўллар, кўприклар мавжуд бўлган, мўътадил иқлимли Европа эмасди. Армияси бу йўлни босиб ўтиш даврида дуч келадиган қийинчиликлар ҳамда тўсиқлар ҳақида Наполеонда тасаввур деярли йўқ эди. Ораликдаги бу ҳудуднинг улкан сувсиз саҳролари ва тоғли тўсиқлари борлигидан у ҳам худди инглизлар сингари деярли беҳабар эди. Бунга қадар денгиз орқали келган инглизлар курукликдаги стратегик йўлларга етарлича эътибор бермас, аксинча, денгиз йўлларини очик ҳолда сақлашдан ташвишланарди.

Бу хотиржамлик бир кечадаёқ йўқолди. Биргина русларнинг ўзи жуда кўп таҳдид солмасликлари аниқ бўлса-да, Наполеон ва Александрнинг бирлашган қўшини, айниқса, у ҳақиқий даҳо томонидан бошқарилаётган бўлса, умуман бошқа масала эди. Компаниянинг мудофаа раҳбарлари душманни энг қулай жойда тўхтатиб, янчиб ташлай олиши учун босқинчилар Ҳиндистонга кириб келиши мумкин бўлган йўналишларни синчковлик билан ўрганиш ва харитага киритиш юзасидан шошилиш буйруқлар берилди. Қолаверса, босқинчи ўтадиган ҳудудлар – Форс шоҳи ва Афғонистон амирига душман билан ҳар қандай алоқа ўрнатишдан қайтариш умидида дипломатик вакиллар юборилди.

Таҳдид амалга ошмади, чунки Наполеон ва Александр тез орада ўзаро келишолмай қолди. Француз қўшинлари Россияга юриш қилиб, ёнғин ичида қолган Москвага киришганида, Ҳиндистон вақтинча унутилди. Бироқ Наполеон Европага даҳшатли йўқотишлар билан қайтиши ҳамонқ Ҳиндистонга янги таҳдид пайдо бўлди. Бу сафар ўзларига ишонч ҳамда манманликдан маст бўлган руслар саҳнага чиққанди ва бу гал таҳдиднинг йўққа чиқиши даргумон эди. Жангда суяги қотган рус қўшинлари яна Кавказ орқали жанубга қараб юришни бошлади, Ҳиндистоннинг хавфсизлиги ҳақидаги кўркувлар жиддий тус олди.

Кам сонли англизлар қатнашган ушбу жангда руслар узоқ ва қаттиқ қаршиликдан сўнг Кавказ қабилаларини тор-мор этгач, очкўз нигоҳларини шарқ томонга тикишди. У ерда, Ҳиндистон шимолидаги чўл ва тоғлар оралиғидаги улкан ҳудудда Хива, Бухоро ва Қўқон каби мусулмон хонликлари жойлашганди. Россиянинг юриши тобора кучаяркан, Лондон ва Калькутта янада кўпроқ ваҳимага туша бошлади. Кўп ўтмай, бу улкан, сиёсий жиҳатдан “эгасиз” ерлар иккала томоннинг шуҳратпараст ёш зобитлари ва тадқиқотчилари учун кенг саргузаштли ўйин майдонига айланиши керак эди, чунки минтақада уруш бошланса, улар қўшинлар босиб ўтиши керак бўлган дара ва чўлларнинг хариталарини тузишлари лозим бўларди.

XIX аср ўрталарига келиб Марказий Осиё машҳур газета сарлавҳаларидан тушмай қолди, чунки илгариги Буюк ипак йўлининг қадимий карвон шаҳарлари ва хонликлари бирин-кетин Чор Россиясига таслим бўлаётганди. Ҳар бир ҳужумда етакчилик қилаётган шафқатсиз казак суворийлари Ҳиндистоннинг яхши ҳимояланмаган чегараларига яқинлашаётгани ҳақида ҳафтасига янги хабарлар келарди. 1865 йили буюк девор билан ўралган Тошкент русларга таслим бўлди. Уч йилдан сўнг Самарқанд ва Бухорога навбат етди, орадан беш йил ўтгач, иккинчи уринишда руслар Хивани эгаллаб олишди. Жасур, аммо қаршилик кўрсатишга укуви бўлмаганларга нисбатан рус куролли кучлари қилган хунрезликлар инсонни даҳшатга соларди. “Осиёликларни, – деб айтганди россиялик генераллардан бири, – қанчалик қаттиқ урсангиз, жим туриши шунчалик давомий бўлади”.

Санкт-Петербургнинг Ҳиндистонга душманлик нияти йўқлиги ва ҳар бир юриш унинг охириги ҳужуми эканлигига бир неча бор ишонтирганига карамай, кўпчиликка бу бутун Марказий Осиёни рус подшоси ҳукмронлиги остига олиш учун ишланган катта режанинг бир қисми бўлиб кўринди. Бу режа амалга оширилган заҳоти империя-

нинг энг катта ўлжаси бўлмиш Ҳиндистонга якуний хужум бошланишидан чўчирдилар. Подшоҳнинг баъзи мохир генераллари бундай босқинни амалга ошириш учун режалар тузгани ва рус армиясининг ҳар бир аскари у ерга юришни астойдил хоҳлаётгани кундек равшан эди.

Икки қудратли давлат ўртасидаги бўшлиқ аста-секин торайгани сари Катта ўйин тобора кучайиб борди. Душман қабилалар ва ҳукмдорларнинг таҳдидига қарамай, чегарадан ташқарида ўз ҳаётларини хавф остига қўйишга, харитадаги бўшлиқларни тўлдириб, русларнинг ҳаракатлари ҳақида хабар беришга ва шубҳа билан қарайдиган хонлар садоқатига эришишга тайёр бўлган ёш ҳамда довюрак зобитлар етарлича эди. Кўриниб турибдики, ҳийлагар шимолдан қайтиб келолмаганлар орасида Стоддарт ва Конолли ёлғиз эмас эди. Ушбу яширин кураш иштирокчиларининг аксарияти Калькуттадаги юқори мартабали мулозимлар томонидан ҳар қандай маълумотни тўплаш учун юборилган профессионаллар, ҳинд армияси зобитлари ёки сиёсий агентлар бўлган. Қолганлари, яъни қобилият жиҳатдан пастроқ бўлган ҳаваскорлар, кўпинча моддий маблағи бор саёҳатчилар эди ва улар подшо вазирларидан бири “Шарпалар мусобақаси” деб номлаган ўйинда иштирок этишни танладилар. Айримлари қиёфасини ўзгартириб, маҳаллий кийинган ҳолда, бошқалари эса мундирларда боришни афзал кўришди.

Гарчи қиёфаларини ўзгартирган бўлсалар-да, баъзи ҳудудлар таваккал қилмоқчи бўлган европаликлар учун жуда хавфли ёки сиёсий жиҳатдан нозик ҳисобланарди. Бироқ Ҳиндистон мудофаа қилиниши керак экан, бу жойларни ўрганиш ва харитага киритиш шарт эди. Тез орада бу масаланинг оқилона ечими топилди. Ноёб ақл ва топқирликка эга тоғлик ҳиндларга махфий тарзда махсус кузатиш усуллари ўргатилди ва улар мусулмон диндорлари ёки буддавий зиёратчилар қиёфасида чегара бўйлаб юборилди. Шу тарзда улар кўп ҳолларда ўз ҳаётларини

катта хавфга қўйиб, аввал ўрганилмаган салкам 2600 квадрат километр ҳудудни ўта аниқлик билан харитага киритишга муваффақ бўлди. Ўз навбатида, руслар мўғул буддавийларидан европаликлар учун ўта хавфли бўлган ҳудудларга кириб боришда фойдаландилар.

Ҳозирги кун тарихчилари қандай баҳо беришидан қатъи назар, ўша пайтда Россиянинг Ҳиндистонга таҳдиди, шак-шубҳасиз, реал кўринишга эга эди. Агар харитага қарасангиз, бунинг исботини кўришингиз мумкин. Тўрт аср давомида Россия империяси тўхтовсиз кунига 143 квадрат километр ёки йилига 51 800 квадрат километр масофага чўзилиб борарди. XIX асрнинг бошларида Осиёда Британия ва Россия империяларини салкам 3220 километрдан сал кўпроқ масофа ажратиб турарди. Аср охирига келиб бу кўрсаткич бир неча юз километргача, Помир ҳудудининг айрим қисмларида эса 32 километрдан ҳам пастроққа тушди. Казаклар Ҳиндистон русларники бўлгачгина отини жиловлашидан кўпчилик қўрққанидан ажабланмаса ҳам бўлади.

Катта ўйинни ўрганишга профессионал даражада берилиб кетганлардан ташқари, ҳаваскор стратегларнинг бир қанчаси уйдан мустақил тарзда бир қатор китоблар, мақолалар, босма рисоалар ва газеталарга хатлар орқали ўз маслаҳатларини бериш билан уни четдан кузатиб борди. Бу шарҳловчилар ва танқидчилар аксарият ҳолларда кучли жанговар қарашларга эга русофоблар эди. Улар Россиянинг олдинга силжишини тўхтатиб қолишнинг ягона йўли “олға бориш” сиёсати, дея тасдиқлашарди. Бу, биринчи навбатда, истило ёки ишғол йўналишларининг ҳар икки томонида жойлашган тегишли “буфер” ёки тобе давлатларни вужудга келтириш орқали у ерларга боришни англатарди. Шунингдек, Ҳиндистон армияси ва сиёсий ҳокимиятнинг Осиё чўл ва доволарида кишини ўзига мафтун қиладиган янги вақтичоғликка берилган амбицияли ёш зобитлари “олға бориш” мактабига мансуб

эди. Бу уларга саргузашт бўлиши билан бир қаторда мансабда кўтарилиш ва, эҳтимол, империя тарихидан ўрин эгаллаш учун ҳам имкон эди. Улар учун иккинчи танлов эса Ҳиндистоннинг ҳавоси дим ялангликларидаги зерикарли полк ҳаёти бўларди.

Аммо русларнинг Ҳиндистонни Британия чангалидан тортиб олиш ниятида экани ёки ҳарбий жихатдан бунга қодирлигига ҳамма ҳам ишонмаган. “Олға бориш” сиёсатига қарши бўлганлар Ҳиндистоннинг энг яхши мудофааси унинг ноёб жуғрофий жойлашуви — баланд тоғ тизмалари, қудратли дарёлар, сувсиз чўллар ва жанговар қабилалар билан чегараланганида, деб таъкидларди. Рус кучлари бундай тўсиқларни енгиб ўтиб, Ҳиндистонга етиб келган пайтида шунчалик заифлашадики, натижада Британия қўшинига тенг келишлари амримаҳол бўлиб қолади. Бундан ташқари, инглизларга ўз алоқа линияларидан кўра босқинчиларнинг алоқа линияларини ҳаддан ташқари кенгайтириб юборишга мажбур қилиш мақбулроқ йўл бўлиб туюлди. “Ортга силжиш” ёки “мохирона ҳаракатсизлик” мактаби дея аталувчи ушбу сиёсатнинг яна бир ижобий томони — “олға бориш” мактабига нисбатан мамлакатга анча арзон тушарди. Бироқ ҳамма нарсанинг ўз вақт-соати бор эди.

Мен ҳикояни имкон даражасида тарихий кучлар ёки геосиёсатчилардан кўра буюк империал курашда бевосита қатнашган шахслар орқали сўзлаб беришга ҳаракат қилдим. Ушбу китоб ўша даврдаги инглиз—рус муносабатларининг тарихи бўлишга даъво қилишдан анча йироқ. Бу муносабатлар асарлари китобимнинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан жой олган Андерсон, Глисон, Инграм, Марриот ва Яп каби тарихчи олимлар томонидан синчковлик билан ўрганилган. Бу китобда Лондон ва Калькутта ўртасидаги мураккаб ва доимо ўзгариб турган алоқалар ҳақида гапиришга ўрин йўқ эди. Бу алоҳида мавзу бўлиб, Британиянинг Ҳиндистон-

даги тарихи ҳақидаги кўплаб китобларда, жумладан, яқиндаги сэр Пендерел Муннинг *“Британия истилоси ва Ҳиндистон узра ҳукмронлиги”* номли 1235 саҳифадан иборат йирик илмий тадқиқотида батафсил ўрганилган.

Биринчи навбатда якка шахслар ҳақида гап кетган бу китобда катта ижрочилар жамоаси бор. У ўз ичига юздан ортиқ кишиларни, камида уч авлод вакилларини камраб олади. Ҳикоя 1810 йили Ҳенри Поттингер ва Чарльз Кристи билан бошланиб, қарийб бир аср ўтгач, Фрэнсис Янгхазбенд билан тугайди. Жасур Муравёв ва сирли Виткевичдан тортиб то даҳшатли Громбчевский ва маккор Бадмаевгача бўлган рус ўйинчилари устаси фарангликда британиялик ҳамкасбларидан қолишмасди. Бу воқеаларга мутлақо бошқача нуқтаи назар билан қарайдиган замонавий совет олимлари ўз ўйинчиларининг мардонавор хатти-ҳаракатларига алоҳида қизиқиш билдира бошладилар (хатто фахрланишларини ҳам яширмадилар). Жўяли ном топа олмаганликлари сабабли хатто баъзилари курашни *“Большая игра”* (*“Катта ўйин”*) деб аташди. Мен британияликлар ва русларнинг фаолиятларини тасвирлаб беришда иложи борича бетараф бўлиб қолишга ҳаракат қилдим, хатти-ҳаракатлари ҳақида сўзлаш имконини Катта ўйин иштирокчиларининг ўзига бериб, бу борада ҳукм чиқаришни китобхонга қолдирдим.

Бу ҳикоя бизни ҳеч қандай янгиликдан хабардор қилолмас-да, ҳеч бўлмаганда сўнгги юз йил ичида кўп нарса ўзгармаганини кўрсатиб беради. Дарғазаб мутаассиблардан иборат оломоннинг элчихоналарга ҳужум қилиши, дипломатларнинг ўлдирилиши ва Форс кўрфазига ҳарбий кемаларнинг жўнатилиши – буларнинг барчаси бизнинг Виктория даврида яшаган ота-боболаримизга жуда таниш эди. Дарҳақиқат, бугунги куннинг газета сарлавҳалари кўп ҳолларда бир аср ёки ундан олдингиларидан фарқ қилмайди. Шундай бўлса-да, ўтмишдаги оғриқли сабоқлардан етарлича хулоса

чиқарилмаганга ўхшайди. Агар 1979 йилнинг декабрь ойида руслар британияликларнинг 1842 йили Афғонистонда бошидан ўтказган аянчли воқеаларини эслаганларида, ўша дахшатли тузоққа тушиб қолмаслиги мумкин эди ва шу тариқа 15 000 га яқин ёш совет аскари ҳамда сони номаълумлигича қолаётган кўплаб бегуноҳ афғон қурбонларининг ҳаёти сақлаб қолинган бўларди.

Афғонлар енгиб бўлмас душманлигини Москва жуда кеч англади. Улар нафақат ўзлари танлаган ҳудудда кучли жанговар қобилиятларини сақлаб қолди, балки энг янги жанговар техникаларни тез ўзлаштириб, улардан фойдаланишда жуда абжир эканликларини исботлади. Бир вақтлар инглиз қизил мундирларига қирғин келтирган узун стволли милтиқлар ҳозирги кунда “Стингер” деб аталадиган иссиқликка қараб йўналувчи замонавий ракеталар² билан алмашди. Бу қурол русларнинг яхши жиҳозланган ҳарбий вертолётларига анча қирғин келтирди.

Баъзилар Катта ўйин чиндан ҳам ҳеч қачон тугамаган, деб ҳисоблайди ва бу ўйинни шунчаки ўша кўркувлар, шубҳалар ва тушунмовчиликлардан куч олган замонамиз Совуқ урушининг аломати сифатида кўради. Дарҳақиқат, Конолли, Стодарт, Поттинжер ва Янгҳазбенд каби кишилар ўз ҳаётларини катта хавфга қўйган бўлишига қарамай, XX асрдаги курашларнинг моҳиятан ўзлари катнашган жангдан фарқи йўқлигини тан олиш уларга унча қийин бўлмасди. Совуқ урушда бўлгани сингари Катта ўйинда ҳам узоқ давом этмаган танаффуслар бўлиб турди ва бу бизга бугун яхшиланган муносабатлар доимийлиги ҳақида ўйлашга имкон берди. Шундай қилиб, 1907 йилда Англия–Россия келишуви имзоланиши билан Катта ўйин расман тугади, аммо орадан саксон йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, у ханузгача долзарблигича қолмоқда.

² Инфрақизил нур ёрдамида ўзидан иссиқлик чиқарувчи объектни қидирувчи ва нишонга олувчи қуролни бошқариш тизимига эга ракеталар.

Ушбу ҳикоядаги воқеалар юз берган Марказий Осиё томон маккор чўллар ва қорли довларни ошиб ўтишдан аввал Россия тарихига етти аср кириб боришимиз керак. Айнан ўша пайтда муҳим воқеа рўй берди ва бу рус табиатида ўчмас из қолдирди. Бу нарсa русларга нафақат кўчманчи халқлар ёки ядровий ракета объектлари қуршовда қолиш қўрқувини берди, балки уларни Шарқий ва Жанубий Осиё томон шафқатсиз босқинчилик юришларини амалга оширишга ва пировардида Ҳиндистонда инглизлар билан тўқнашишга ундади.



To see
Kazuyuki
you can
have ;
or an
one
New C
The first
surface
- two ;
H. Case
no V
with :
To see
- yuki
you can
have ;
r. an
one
New C
The first
surface
- two ;
H. Case
no V
with :
To see
- yuki
you can
have ;
r. an
one
New C
The first
surface
- two ;
H. Case
no V

[illegible]

ДАСТЛАБКИ
ЙИЛАР

[illegible]

Русни қашласанг, татарни топасан.

Рус мақоли

1

Сарик хавф



Айтишларича, хатто от туёклари дупури эшитилишидан аввал улардан анқиётган бадбўй хид димоққа урилар экан. Овозлари эшитилганида эса жуда кеч бўларди. Кўз очиб юмгунча биринчи ёй ўқларининг қирғинбарот оқими куёш нурини тўсиб, кунни тунга айлантирар ва нишонларига келиб тегарди. Сўнгра улар душманлари устига бостириб келар: сўяр, зўрлар, талон-торож қилар ва ўт қўярди. Эриган лава сингари йўлида учраган ҳамма нарсани вайрон қиларди. Улар Марказий Осиёдаги ўз юртларига қайтаркан, ортларидан тутаб ётган шаҳарлар ва оппоқ суякларни қолдирди. XIII асрда яшган бир олим мўғул қабилалари ҳақида шундай деганди: “Дажжол аскарлари охирги даҳшатли ҳосилни ҳам олиб кетди”.

Моҳир отлиқ камончиларнинг мислсиз тезлиги, уруш тактикасининг ёрқинлиги ва нотанишлиги ракиб қўшинларини бирин-кетин мувозанатдан чиқара бошлади. Қабилавий урушларда ишлатилган эски ҳийла-найранглар оз йўқотишлар билан кўп сонли қўшинларни тор-мор қилишда қўл келди. Бир неча бор уларнинг жанг майдон-

ларидан ёлғондакам қочиши моҳир қўмондонларнинг чалғиши ва мағлубиятлари учун тузоқ бўлди. Забт этиб бўлмайди дея ҳисобланган қалъалар тез орада уларнинг ваҳший жанг услуби – эркаклар, аёллар ва болалардан иборат асирларни қўшиннинг ҳужум бўлинмалари олдида ҳайдаб олиб бориш – орқали осонгина ишғол қилинди, уларнинг жасадларидан зовур ва сувли хандақлардан ўтиш учун кўприк сифатида фойдаланишарди. Омон қолганлар мўғулларнинг узун зинапояларини қалъа деворларига кўтаришга, бошқалари эса шиддатли ўқлар алангаси остида муҳосара қуролларини ўрнатишга мажбур қилинарди. Кўпинча ҳимоячилар асирга олинганлар орасида ўзларининг оила аъзолари ва дўстларини таниб қолишар ва уларга ўқ отишдан бош тортардилар.

Қора тарғиботга уста бўлган мўғуллар бирин-кетин Осиё давлатларининг кулини кўкка соvuриб, кўрқувдан дағ-дағ титраётган Европа томон шиддат билан бораркан, ўзларидан олдин ақл бовар қилмас ваҳшийликлари ҳақидаги миш-мишлар етиб боришини таъминлаб қўйишарди.

Айтишларича, каннибализм мўғулларнинг энг ёмон иллатларидан бири бўлган ва қўлга олинган бокира қизларнинг кўкраклари мансаби юқори мўғул қўмондонлари учун тортиқ қилинган. Фақат дарҳол таслим бўлишгина озгина раҳм-шафқат кўрсатилишига умид берарди. Навбатдаги жангдан сўнг таслим бўлган душман саркардалари зафар кучган мўғулларнинг ўз ғалабаларини нишонлаб, кайф-сафо қиладиган катта тахталари остида эзилиб секин-аста жон берарди. Кўпинча, агар маҳбусларга муҳтожлик бўлмаса, шаҳарларнинг асирга тушган бутун аҳолиси яна қайта таҳдид солмаслиги учун қиличдан ўтказилган. Баъзи ҳолларда эса уларнинг ҳаммаси қул қилиб сотиб юборилган.

Дахшатли мўғул “бўрони”га 1206 йилда саводсиз ҳарбий даҳо Темучин асос солди. Илгари кичик бир қабила-нинг номи чиқмаган бошлиғи бўлишига қарамай, унинг

овозаси қисқа вақт ичида хатто македониялик Александрнинг шон-шуҳратига соя сола олди. Чингизхон сифатида доврӯғи ёйилган сари, у ўзининг ер юзини забт этиш учун худо томонидан танланганига ишончи ошди ва дунёга ҳукмронлик қилиш унинг катта орзусига айланди. Кейинги ўттиз йил мобайнида у ва ворислари бунга деярли эришди. Мўғуллар қудрати энг кучга тўлган пайтда уларнинг империяси Тинч океани соҳилидан Польша чегарасигача чўзилганди. У бутун Хитой, Форс, Афғонистон, ҳозирги Марказий Осиё, шимолий Ҳиндистон ва Кавказни қамраб олганди. Аммо энг муҳими, мўғуллар салтанати, хусусан, бизнинг ҳикоямиз билан боғлиқ бўлган Россия ва Сибирнинг улкан ҳудудларини ўз ичига олганди.

Бу даврда Россия бир-бири билан тез-тез уруш олиб борадиган ўндан ортиқ князликлардан иборат эди. 1219–1240 йиллар орасида улар умумий душманларига қарши бирлаша олмади ва шафқатсиз мўғул жанговар кўшинига бирма-бир енгилди. Кейин эса узоқ вақт давомида бундан қаттиқ пушаймон бўлишларига тўғри келди. Мўғуллар минтақани забт этгач, вассал князлар тизими орқали ўз ҳукмронлигини ўрнатиш сиёсатини бошлашди. Агар ўлпон тўлиқ тўланса, улар князлик ишларининг икирчикирларига камдан-кам аралашишарди. Агар талаб қилинган миқдор берилмаса, ўта шафқатсиз бўлишарди. Бунинг натижаси вассал князларнинг жабр-зулмига асосланган мустабид бошқарув бўлди ва бундай ёндашув Россия енгилга ҳаракат қилаётган қашшоқлик ва колоқлик билан бир қаторда ҳанузгача унга соя солиб келмоқда.

Икки асрдан кўпроқ вақт давомида руслар мўғул истибдоди ёхуд Олтин Ўрда ҳукмронлиги остида ривожланишдан тўхтаб, кўп азоб-уқубатларни бошдан кечирдилар (мўғуллар ғарбий империясининг бош қароргоҳи бўлган улкан чодир олтин устунлар ёрдамида қад кўтарган ва Олтин Ўрда номи шундан келиб чикқанди). Босқинчилар амалга оширган даҳшатли вайроналикдан

ташқари уларнинг талончиликдан иборат бошқарув тизими рус иқтисодиётини вайрон қилиш, савдо ва саноатни тўхтатиб қўйиш ҳамда рус халқини қулликка маҳкум этишга қаратилганди. Руслар ўз тарихий китобларида “қора саҳифа” деб атаган мўғул-татарлар ҳукмронлиги йиллари мавжуд Византия тизимига ўрнатилган Осиё маъмурий бошқарув усуллари ва бошқа шарқона урф-одатларнинг уйғунлашувига ҳам гувоҳ бўлди. Ғарбий Европанинг либераллаштириш таъсиридан узиб қўйилган русларнинг дунёқараши ва маданияти борган сари шарқона тус ола бошлади. Шундай нақл бор эди: “Русни қашласанг, татарни топасан”.

Мамлакатнинг ички аҳволи ёмонлашгани ва ҳарбий заифлигидан фойдаланиб, Россиянинг Европадаги қўшилари унинг ҳудудларига кўз олайтира бошлади. Уларга Германия князликлари, Литва, Польша ва Швеция ҳам қўшилди. Мўғулларга ўлпонлар келиши давом этиб тургани сабабли бу ҳолат уларни хавотирга солмади, улар Осиёдаги ерларидан кўпроқ ташвишда эдилар. Чунки у ерда мисли кўрилмаган бойлиги ва улуғворлиги билан Россиянинг ёғоч шаҳарларидан устунлик қилувчи Самарқанд, Бухоро, Ҳирот ва Бағдод каби шаҳарлар бор эди. Шу тарзда ғарбдан европаликлар ва шарқдан мўғуллар ўртасида эзилган руслар босқинчилик ва куршов даҳшатини бошдан кечирди, бу эса ҳалигача уларнинг ташқи сиёсатига ҳалал беради.

Русларда бўлгани каби миллат руҳиятида бундай чуқур ва узоқ муддатли из қолдирган тажриба камданкам кузатилган. Бу излар уларнинг қадимдан ксенофоб (айниқса, шарқ халқларига нисбатан) экани, тажовузор ташқи сиёсат юритишлари ва ўз юртидаги зулмга матонатлилигида ўз аксини топади. Наполеон ва Гитлернинг истилолари муваффақиятсиз кечган бўлса-да, бу кўркувларни янада кучайтирди. Фақат ҳозирги кунга келибгина рус халқи бу машъум меросдан қутулгандек

кўринмоқда. Чингизхон дунёга ёйиб юборган ваҳший чавандозлар то уларнинг ҳукмронлиги ниҳоясига етиб, ўзлари келган зулматга ғарқ бўлгунча ўтган тўрт асрдан кўпроқ вақт ичида юз берган жами ўзгаришларга жавобгар.

Мўғуллар ҳукмронлигидан озод бўлгани учун руслар Буюк Иван, кейинчалик “Москванинг Буюк князи” сифатида танилган Иван III нинг олдида қарздорлар. Мўғуллар истилоси пайтида Москва кичик ва аҳамиятсиз вилоят-шаҳар ҳисобланиб, кучли қўшнилари соясида бўлган ҳамда уларга бўйсунган. Бегона юртлик ҳукмдорларига ўлпон тўлашда, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатишда ҳеч бир тобе князлик Москва князларини ортда қолдиролмасди. Ана шу содиқлиги эвазига мўғуллар аста-секин князларга кўпроқ ҳукмронлик ва эркинликни ишониб топшира бошладилар ва улардан деярли шубҳаланмай қўйдилар. Ўша пайтда Московия князлиги деб юритилган Москва шу тарзда кучини ошириб ва ҳудудини кенгайтириб, охир-оқибат барча қўшнилари устидан ҳукмронлик ўрнатишга муваффақ бўлди. Ўз ички низолари билан овора бўлган мўғуллар Московиянинг қандай таҳдидга айланганини анча кеч пайқашди.

1480 йилда ҳал қилувчи воқеа юз берди. Ғазаб отига минган Иван Олтин Ўрда ҳукмдори Аҳмадхоннинг суратини оёқости қилди ва у юборган элчиларни ўлдирди. Элчиларнинг бири қочиб қутулди ва ўз хожасига русларнинг ақл бовар қилмас итоатсизлиги ҳақида хабар берди. Бу исёнкор малайга эсидан чиқмайдиган сабоқ бериб қўйиш мақсадида Аҳмадхон ўз қўшинини Московияга қарши бошлади. Лекин Москвадан 240 километр нарида жойлашган Угра дарёси соҳилида уни яхши қуролланган катта қўшин кутиб турганини кўриб, хайратда қолди. Бир неча ҳафта давомида иккала қўшин дарёнинг икки томонида бир-бирларига тикилиб туришди, лекин ҳеч бирининг дарёни кечиб ўтишга журъати етмади. Аммо кўп ўтмай, қиш келиши билан дарё музлай бошлади ва аёвсиз жанг муқаррар бўлиб қолди.

Айнан ўша пайтда фавқулодда ходиса юз берди. Ҳе йўқ, бе йўқ, ҳар икки томонни ҳам бирдан ваҳима босди ва орқаларига қарамай тумтарақай қоча бошладилар. Гарчи шармандали кўринса-да, руслар бошларига тушган кўп асрлик оғир синов деярли тугаганини англаб етишди. Золим ҳукмдорларнинг жанговар руҳи буткул сингани аниқ бўлиб қолди. Бир пайтлар жуда ваҳимали бўлган мўғул ҳарбий машинаси энди кучини анча йўқотганди. Ғарбдаги марказлашган ҳокимият таназзулга юз тутди, натижада Чингизхон ва унинг ворислари тузган, бир пайтлар қудратли бўлган империядан учта – Қозон, Астрахань ҳамда Қрим хонликлари қолди. Мўғуллар қудрати яқсон қилинган бўлса-да, қолган учта кўрғон ҳали ҳам таҳдид солар, ўзларини хавфсиз ҳис этиши учун руслар эртамикечми, уларни яқсон қилишлари керак бўларди.

Иваннинг ворисларидан бири Иван Грозний ушбу хонликларнинг иккитасини босиб олиб, уларни тез суръатлар билан кенгайиб бораётган Московия империясига қўшишга муваффақ бўлди. Қасос олиш илинжида ёнаётган унинг кўшинлари 1553 йилда Волганинг юқори қисмидаги Қозон қалъасига бостириб киришди ва худди мўғуллар Россиянинг буюк шаҳарларини вайрон қилганидек, қалъа ҳимоячиларини қириб ташлашди. Икки йил ўтгач, Волганинг Каспий денгизига қуйиладиган ерида жойлашган Астрахань хонлигининг тақдири ҳам худди шундай якун топди. Фақатгина татарларнинг сўнги ҳарбий истехкоми бўлган Қрим таслим бўлмади, чунки русларга қарши муҳим мудофаа кўрғони ҳисобланган бу қалъа Усмонли турклар султони ҳимоясига ўтганди. Шундай қилиб, Қрим татарларининг вақти-вақти билан уюштирган кичик босқинларини айтмаганда, мўғуллар таҳдиди абадий йўқ қилинди. Бу эса тарихдаги энг йирик мустамлака ҳаракати – Россиянинг шарқий Осиё томон экспансиясига йўл очиб берди.

Мустамлака ҳаракатининг биринчи босқичи Московиянинг тадқиқотчилари, аскарлари ва савдогарларини

Сибирнинг бепоён ерлари, қудратли дарёлари, муз билан копланган саҳролари ва ўтиб бўлмайдиган ўрмонлари бўйлаб 6437 километр ичкарига киритишдан иборат бўлди. Америка ғарбининг илк оқ танли кўчманчилари томонидан эгалланишига кўп жихатдан ўхшайдиган бу юриш бир асрдан кўпроқ вақт ўтиб, руслар Тинч океанининг қирғоғига етиб бориб, у ерга абадий ўрнашганларида тўхтайди. Аммо ҳикоямизда инсоният тарихининг энг буюк қахрамонликларидан бири бўлган Сибирни истило қилиш ҳақида гап бормади. Бу улкан иқлими оғир минтақа узоқда эди ва ҳар қандай қудратли давлат, энг аввало, Ҳиндистонда инглизлар учун ҳеч қандай хавф туғдирмасди. Аммо унинг мустамлака қилиниши экспансиянинг дастлабки босқичи бўлиб, бу жараён Россиянинг ер юзидаги энг катта давлатга ва, Британия назарида, Ҳиндистон учун тобора кучайиб бораётган таҳдидга айланмагунча тўхтамади.

* * *

Буюк Пётр Ҳиндистонга очкўз нигоҳини қаратган рус шоҳларининг биринчиси бўлган. Асосан мўғуллар ҳукмронлиги даври натижаси ўлароқ, мамлакатининг ҳаддан ташқари қолоқ бўлиб қолгани ва душман ҳужумига бардош бера олмаслигини англаб етган Пётр Европанинг бошқа мамлакатлари билан нафақат иқтисодий ва ижтимоий жихатдан рақобатлашадиган, балки ҳарбий жихатдан қудратли давлатларга бас кела оладиган куролли кўшинига эга мамлакат тузишга қарор қилди. Бунинг учун у жуда катта микдордаги пулга муҳтож эди, чунки бир вақтнинг ўзида Швеция ва Туркия билан уруш бошлаб, хазинасини бўм-бўш қилиб қўйганди.

Бахтли тасодиф туфайли ўша пайтда Марказий Осиёдан унга санокли русларни айтмаганда, европаликларнинг оёғи етмаган Окс дарёсининг қирғоғидаги олис душман ерларида олтин конлари топилгани ҳақида хабарлар кела бошлади. Пётр рус саёҳатчиларининг ҳикояларидан

Марказий Осиё чўллари ва тоғлари ортида афсонавий бойликлар мамлакати – Ҳиндистоннинг мавжудлигидан ҳам хабардор эди. Бу бойликлар европалик рақиблари, хусусан, инглизлар томонидан денгиз орқали катта миқдорда ташиб кетилишини ҳам биларди. Энди у ғояларга тўла миясида Марказий Осиё олтинлари ва Ҳиндистон хазинасидаги ўз улушини қандай қўлга киритиш режасини туза бошлади.

Бир неча йил муқаддам, Окс дарёси бўйида жойлашган сахро салтанати султони бўлмиш Хива хони итоатсиз қабилаларини бўйсундиришда ёрдам беришини сўраб, Пётрдан ёрдам сўраганди. Рус ҳимояси эвазига хон унинг вассалига айланишни таклиф қилди. Ўша пайтда Марказий Осиё ҳақида тасаввури етарлича бўлмаган ва ўз юртида, шу билан бирга, Европада катта ҳокимиятга эга Пётр хоннинг таклифини эсидан ҳам чиқариб юборганди. Фақат эндигина Ҳиндистон ва унинг давлати чегаралари ўртасида жойлашган Хива хонлиги ерлари унга минтақада зарур бўлган таянч нуқта сифатида хизмат қилиши мумкинлигини ўйлаб қолди. Унинг геологлари у ерларда олтин қидириш имкониятига эга бўлар, шу билан бирга, у Россия карвонлари учун оралик йўл вазифасини ҳам бажариши мумкин эди. Пётр Ҳиндистондан ҳам ички бозор, ҳам Европа бозорлари учун аталган экзотик маҳсулотлар ортилган карвонларнинг тез орада бу ҳудуд орқали қатнашини тасаввур қила бошлади. Агар савдосотик тўғридан-тўғри куруқлик орқали йўлга қўйилса, Ҳиндистон ва Россия ўртасида бир йилгача чўзиладиган мавжуд денгиз савдоси аҳамиятига жиддий зарба бериларди. Бундан ташқари, дўстона муносабатда бўлган хон ҳатто карвонларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун ўз ҳарбий бўлинмаси билан уларни кузатиб бориши мумкин эди, бу эса Пётрга карвон ҳимоясига рус қўшинларини жалб қилиш учун кетадиган катта харажатларни тежаш имконини берарди.

Пётр хоннинг таклифини кечиктириб бўлса ҳам қабул қилиб, Хивага кучли қуроолланган экспедицияни юборишга аҳд қилади. Бунинг эвазига хонга унинг мудофааси учун доимий рус соқчи қўшини ва оиласига тахтни мерос қилиб олиш ҳуқуқи кафолати тақдим этиларди. Агар у ўз фикрини ўзгартирса ёки қарши чиқиб калтабинлик қилса, рус экспедицияси таркибидаги артиллерия Хиванинг ўрта асрларга оид пишган тупроқдан қурилган меъморчилик обидаларининг кулини кўкка совуриб, унинг аклини киритиб қўйиши мумкин эди. У Хивани эгаллаб олгач, дўстона алоқаларга асосланиб, Окс дарёси бўйидаги олтинларни кидириш ва Ҳиндистонга олиб борадиган қарвон йўлини очиш жараёни бошланарди. Шундай қилиб, экспедицияга бошчилик қилиш учун Кавказдаги мусулмон қабила шахзодаси Александр Бекович танлаб олинди. У сараланган махсус соқчи полкининг доимий хизматдаги зобити бўлиб, христианликни қабул қилганди. Бековичнинг келиб чиқиши Пётрда шарқий биродарлари билан алоқа ўрнатиш учун идеал одам деган фикрни уйғотди. Экспедиция 4000 кишидан иборат бўлиб, пиёда аскарлар, отлик аскарлар ва артиллерияни ўз ичига оларди, бундан ташқари 500 та от ва туя ҳам бор эди.

Бу овлоқ ҳудудларда тентираб юрадиган душман – туркман қабилаларидан ташқари Бековичнинг олдида турган асосий тўсик – Каспий денгизининг шарқий қирғоқлари ва Хива оралиғидаги салкам 805 километр кенгликда ястаниб ётган хавfli сахро эди. Экспедиция нафақат бу тўсикни енгиб ўтиши, балки эртами-кечми, Ҳиндистондан қайтадиган оғир юкли рус қарвонларининг саҳрони хавфсиз кесиб ўтишларини ҳам таъминлаши керак эди. Мана шу ерда дўстона руҳдаги туркман қабиласи бошлиғи ёрдамга келди. У Пётрга кўп йиллар олдин Окс дарёси Орол денгизига эмас, Каспий денгизига қуйилганини ва уни маҳаллий қабилалар тўғон орқали ўзлари томонга йўналтириб олишганини айтди.

Пётрнинг хаёлига “Агар унинг гаплари ўз тасдиғини топса, рус муҳандислари учун тўғонларни бузиб, дарёни аввалги ҳолига қайтариш қийин бўлмайди”, деган фикр келди. Ҳиндистондан Россияга ва Россиядан Ҳиндистонга ташиладиган моллар хавфга тўла саҳроларни кесиб ўтгандан кўра кемаларда олиб борилса ёки олиб келинса, анча яхши бўларди. Россия разведка бўлими Каспий денгизи соҳилидан унча узоқ бўлмаган чўлда Окс дарёсининг эски ўзани топилгани ҳақидаги маълумотни айтганда, бу режанинг истиқболи бордек кўрина бошлади.

1717 йил апрель ойида руслар пасха байрамини нишонлаганларидан сўнг Бекович ва унинг гуруҳи Астрахандан Каспий денгизининг шимолий чеккасига йўл олди. Руслар катта ички денгиз орқали юзга яқин кичик кемалардан иборат флотилияда сузиб боришар ва уларда бир йилга етадиган озиқ-овқат захираси бор эди. Аммо денгиз саёҳати кутилганидан анча узоқ вақт давом этди ва июнь ойининг ўрталарида улар саҳрога қадам босиб, шарк томон, Хивага қараб йўл олишди.

Одамлар аллақачон чўл жазирамаси ва ташналикдан азоб чекарди; тез орада иссиқ уриши ҳамда бошқа касалликлар туфайли сафлари сийраклаша бошлади. Шу билан бирга, олдинга силжишларига йўл қўймасликка аҳд қилган талончи қабилаларнинг хужумларини қайтаришга тўғри келарди. Бироқ энди орқага қайтиш ва подшонинг ғазабига учраш ҳақида гап бўлиши мумкин эмасди. Шу сабаб экспедиция олис Хива томон олиб борувчи сафар машаққатларига қарши матонат билан курашишда давом этди. Ва ниҳоят, август ойининг ўрталарида, саҳрода ўтказилган икки ойлик сафардан сўнг пойтахтга етиб бориш учун атиги бир неча кунлик йўл қолганди.

Уларни қандай кутиб олишлари ҳақида турли хаёлларга борган Бекович хонга қимматбаҳо совғалар билан ўз элчиларини юборди ва қатъий дўстона ниятда келганига ишонтиришга уринди. Подшонинг элчисини кутиб олиш учун хоннинг шахсан ўзи пешвоз

чикқанида, муваффақиятли якун ҳақидаги умидлар яна кўп нарсаларни ваъда қилгандек бўлди. Ўзаро самимий илтифот кўрсатилганидан ва экспедициянинг мақсадларини биргаликда тинглаганидан сўнг Бекович ва хон шаҳар томон йўл олдилар. Ҳолдан тойган бўлишларига қарамай, рус аскарлари маълум бир масофадан уларни кузатиб боришди. Улар шаҳар дарвозаларига яқинлашганларида, хон Бековичга Хивада бунча кўп одамни жойлаштириш ва овқатлантиришнинг иложи йўқлигини тушунтирди. Бунинг ўрнига у Бековичга русларни пойтахтдан ташқаридаги қишлоқларга жойлаштириш ва дам олишлари учун бир нечта гуруҳларга бўлишни таклиф қилди.

Хонни ранжитиб қўйишдан хавотирланган Бекович бу таклифга рози бўлди ва ўринбосари майор Франкенбергга одамларни беш қисмга бўлиб, мезбон томонидан тайинланган тураржойларга юборишни буюрди. Қўшиннинг бу тарзда ёйилиб кетишидан хавотирга тушган Франкенберг бунга йўл қўйиб бўлмаслигини айтиб, қаршилигини билдирди. Аммо Бекович бунга эътибор бермади ва ундан буйрукка бўйсунишни талаб қилди. Франкенберг тортишувни давом эттирганида, Бекович агар буйруғига амал қилмаса, қайтиб боргандан сўнг уни ҳарбий трибуналга топширишини айтиб огоҳлантирди. Кейин қўшин кичик гуруҳларга бўлиниб мезбонлар томонидан олиб кетилди. Бу хиваликлар кутган ҳолат эди.

Ҳеч қандай хавфдан шубҳаланмаган руслар ғафлатда қолди, уларнинг устига қўкқисдан хужум уюштирилди. Бековичнинг ўзи биринчилар қаторида ўлдирилди. Уни қўлга туширишгач, устидан ҳарбий формасини ечиб олишди ва хоннинг кўз ўнгида шафқатсизларча қилич билан чопиб ташлашди. Унинг боши танасидан жудо қилинди. Бековичнинг боши Франкенберг ва бошқа катта офицерларнинг бошлари билан бирга ғалаба нашидасини сураётган оломонга намоиш қилинди. Бу орада

офицерларидан айрилган рус аскарлари бирин-кетин киличдан ўтказилмоқда эди. Тахминан қирқтача рус бу қонли қирғинбаротдан омон қолди, аммо ҳаммаси тугагандан сўнг хон уларни бутун шаҳар олдида қатл қилиш учун асосий майдонга саф торттиришга буйруқ берди. Бироқ бир кишининг аралашуви туфайли уларнинг ҳаёти сақлаб қолинди. У Хиванинг диний етакчиси бўлмиш охунд эди. У хонга ғалабаси хоинлик йўли билан қўлга киритилганини айтиб, агар у асирларни шу тарзда шафқатсизлик билан ўлдирса, Худо олдидаги гуноҳи янада оғирлашиши ҳақида огоҳлантирди.

Бу мардонавор ишга ҳазилакам жасорат талаб этилмасди, аммо хон ундан таъсирланди. Русларнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Уларни асирга олганлар айримларини кул қилиб сотиб юборишди, қолганларига эса чўл орқали Каспий денгизи томон кетишга ижозат берилди. Бу хатарли сафардан омон қолганлар даҳшатли воқеалар тафсилотини Хивага йўл олишдан олдин қурилган иккита кичик ёғоч қалъада қолган сафдошларига етказишди. У ердан эса машъум хабар Буюк Пётрнинг янги қурилган пойтахти – Санкт-Петербургга етказилди.

Бу орада хон руслар устидан қозонган ғалабаси билан мақтаниш учун ўз эътиқодини кофир подшоҳга сотган мусулмон шахзодаси – Бековичнинг бошини Марказий Осиёдаги ён қўшнисини Бухоро амирига юборди, қолганларини эса Хивада намоёниш этиш учун қолдирди. Аммо мудҳиш ўлжа тезда қайтариб юборилди ва Бухоро амири ғазаб билан бундай мунофиқликнинг қатнашчиси бўлишни хоҳламаслигини билдирди. У русларнинг ғазабини кўзғатиб, бошига бало орттиришдан қўрққан, деган гумон ҳам эҳтимолдан йироқ эмас.

Шимолдаги қўшнисининг кўлами ва ҳарбий қудрати ҳақида етарлича тасаввурга эга бўлмаган Хива хони ўзи кутганидан ҳам омадлироқ чиқди. Душман қасос олиш учун ҳеч қандай ҳаракат қилмади. Хива жуда олисда эди.

Пётр бошқа жойларда, хусусан, Кавказда чегараларини кенгайтириш билан банд эди, шу сабабли Бекович ва унинг одамлари учун қасос олиш ва отряд юборишга вақти йўқ эди. У қўли бўшагунга қадар бу масала кутиб туриши лозим бўларди. Дарҳақиқат, руслар яна Хивага юриш қилиб, уни қўлга киритгунча кўп йиллар ўтди. Хоннинг хиёнати жазосиз қолган бўлса-да, лекин руслар шарқликларга ишонмаслик кераклигини ёдда сақладилар. Шундай қилиб, Марказий Осиё ва Кавказдаги мусулмон қабилаларни, шунингдек, Афғонистондаги мужоҳидларни бўйсундириш учун (гарчи бу унчалик муваффақият қозонмаган бўлса ҳам) замин яратишга чорак аср кетди.

Афтидан, Пётр тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада бойлик оқиб ўтиши мумкин бўлган Ҳиндистонга олтин йўлни очиш орзусини амалга ошириш учун бошқа ҳаракат қилмади. У бутун ҳаётида бир одам эриша олмайдиган ишларга бел боғлаган ва аллақачон уларнинг кўпини рўёбга чиқарганди. Пётр 1725 йили дунёдан кўз юмди ва вафотидан кўп ўтмай, Европада унинг охириги истаги ва васияти ҳақида ғалати миш-мишлар тарқала бошлади. Айтишларича, у ўлим тўшагида ётганида, ворислари ва издошларига яширин тарзда Россиянинг ўзи ишонган азалий тақдири — дунёга ҳукмронлигига эришиш вазифасини амалга оширишни буюрган. Ҳиндистон ва Константинополни забт этиш бу режа учун қўш калит эди ва мана шу икки давлат руслар қўлига ўтмагунча у авлодларини тиним билмасликка чақирган.

Бундай ҳужжатни ҳеч ким кўрмаган ва кўплаб тарихчилар бунақа васият ҳам бўлмаганига ишонишади. Шундай бўлса-да, рус халқининг Буюк Пётрга нисбатан иззат-икром ва кўрқуви шу даражада бўлганки, натижада кўпчилик бу гапларга ишонган ва васиятининг тахминий матнлари ҳар хил талқинда чоп этила бошлаган. Умуман олганда, бу шунчаки тиним билмайдиган шуҳратпараст бир даҳонинг авлодларига берган буйруғи эди. Рос-

сиянинг Ҳиндистон ва Константинопол томон келгуси юришларидан бу сўзлар ўз тасдиғини топгандай кўринади, чунки кўпчиликда яқин вақтларгача Россия дунёда ўз ҳукмронлигини ўрнатишига ва унинг узок муддатли мақсадига қатъий ишонч бор эди.

Шундай бўлса-да, Буюк Екатерина ҳукмронлигига қадар қирқ йил давомида Россия Ҳиндистонга қизиқшини намоиш этмади. У ерда Буюк Британиянинг “Ост Индия” компанияси асосан французлар ҳисобига ўз ўрнини мустаҳкамлаб бораётганди. Екатеринадан аввал тахтда ўтирган ҳузур-ҳаловат шайдоси Анна Пётрнинг Кавказдаги машаққат билан қўлга киритган барча ерларини давлат хазинасига қимматга тушяпти, деган баҳона билан (Пётрнинг тахмин қилинган васиятига деярли қарши чиққан ҳолда) Форс шоҳига қайтариб берганди. Бироқ Екатерина Пётр сингари экспансия тарафдори эди. Унинг туркларни Константинополдан қувиб чиқариб, у ерда куч ишлатиб бўлса ҳам Византия бошқарувини тиклашни орзу қилиши ҳеч кимга сир эмасди. Бу унинг флотига ўша пайтда Британия назорати остида бўлган Ўртаер денгизи ва туркларнинг таъсир доирасида бўлган Қора денгизга чиқиш имконини берарди.

1791 йилда ҳукмронлиги якун топаётган Екатерина Ҳиндистонни Британиянинг тобора кучайиб бораётган чангалидан озод қилиш режасини синчковлик билан ўрганиб чиққани маълум. Бу ғоя қандайдир сирли шахс — месье де Сен Жени исмли французга тегишли бўлгани ҳақидаги тахминнинг ажабланарли жойи йўқ. У Екатеринага мўғуллар ҳукмронлиги остидаги мусулмон бошқарувини аввалги шон-шухратига қайтариш мақсадида келаётганини маълум қилиб, қуруқлик бўйлаб Бухоро ва Кобул орқали юриш таклифини берди. Унинг такидлашича, бу овоза йўл-йўлакай истило қилинадиган мусулмон хонликлари кучларини Екатерина байроғи остига бирлаштиради ва уларнинг келиши ҳақидаги миш-миш-

лар Ҳиндистонда британияликларга қарши оммавий бош кўтаришларни аланга олдириши мумкин эди. Режа амалга ошмаган бўлса-да (собик севгилиси, бир кўзли бош вазир граф Потёмкин уни фикридан қайтарган), бу Россия ҳукмдорларининг Ҳиндистонга бостириб киришга оид кўп сонли режаларининг биринчиси бўлди ва рус подшолари кейинги асрни шундай режалар ҳақида бош қотириш билан ўтказди.

Екатерина ўз салтанатига на Ҳиндистонни ва на Константинополни қўшган бўлса-да, у мазкур йўналишда бир қатор кадамларни қўйди. У нафақат форслардан Анна бериб юборган Кавказ ҳудудларини қайтариб олди, балки мўғуллар империясининг омон қолган мустаҳкам қалъаси – Қримни ҳам эгаллади. Турклар уч асрдан бери бу қалъани ҳимояси остига олиб, ундан шимолда тобора кучга тўлиб бораётган Россиянинг тажовузларига қарши қалқон сифатида фойдаланиб келаётганди. Бирок XVIII асрнинг охирига келиб, бир вақтлар жанговар бўлган қрим татарлари кучдан қолганди. Туркларни доғда қолдириб қўлга киритган Қора денгизнинг шимолий соҳилидаги ерлар ва татарлар ўртасидаги ички низолардан фойдаланган Екатерина Қрим хонлигини битта ҳам ўк узмасдан ўз империясига қўшиб олди. Ўзининг сўзларига кўра, бу муваффақиятга у шунчаки “муҳим жойларга кримликларни ўз қарамоғига олишини маълум қилувчи плакатларни ўрнатиш” орқали эришган. Бошларига тушган кулфатда туркларни айбдор деб билган Чингизхон авлодлари ўз тақдирларини мўмин-қобиллик билан қабул қилишди.

Қора денгизда туркларнинг мутлақ ҳукмронлиги тугади, чунки руслар Севастополь ёнида нафақат улкан ҳарбий-денгиз арсенали ва базасини барпо этишди, балки эндиликда уларнинг ҳарбий кемалари Константинополга икки кун ичида сузиб бориши мумкин бўлди. Туркларнинг бахтига, кўп ўтмай, кучли бўрон бутун Россия Қора

денгиз флотини сув тубига ғарқ қилди ва хавф бир муддат ортга чекинди. Екатерина мусулмон бошқарувидан озод қилишни орзу қилган Босфор бўғозида жойлашган буюк шаҳар у вафот этган пайтда ҳам туркларнинг қўлида эди. Бироқ унга олиб борадиган йўл энди анча қисқарганди. Россиянинг Яқин Шарқ ва Кавказда тобора кучайиб бораётган ҳарбий қўшини шундагина биринчи марта “Ост Индия” компаниясининг юқори лавозимли амалдорларини ташвишга сола бошлади. Буни энг аввал англаган инсон компаниянинг янги бошқарув кенгаши президенти Ҳенри Дандас бўлди. У русларнинг ушбу минтақалардан турк ва форсларни сиқиб чиқаришларига йўл қўйиб бериш натижасида келиб чиқадиган хавф ҳақида огоҳлантирди. Шунингдек, агар Лондон ва Санкт-Петербург ўртасидаги мавжуд самимий муносабатлар ёмонлашса ёки батамом бузилса, бу Британиянинг Ҳиндистондаги манфаатлари учун узоқ давом этадиган таҳдидларга сабаб бўлишини ҳам айтиб ўтди.

Бироқ кейинроқ юз берган воқеалар соясида бундай қўркувлар бир зумда унутилди. Тўсатдан янги таҳлика пайдо бўлди ва у Британиянинг Ҳиндистондаги мавқеига жиддий таҳдид туғдирди. Эндигина йигирмага кирган ва французларнинг мағлубияти учун инглизлардан қасос олиш истагида ёнган Наполеон Бонапарт йиртқич нигоҳларини шарқ томонга тикди. Европадаги зафарларидан сармаст Наполеон калондимоғ инглизларнинг попугини пасайтириб қўйишга ва уларни куч ҳамда бойлик манбаи бўлган Ҳиндистондан ажратиб, охир-оқибатда эса уларни ўша даврда энг буюк деб ҳисобланган империяларидан ҳайдаб чиқаришга қасам ичди. Унинг фикрича, Яқин Шарқдаги стратегик нуқта бунга қўйилган биринчи қадам бўларди. “Ҳиндистонни забт этиш учун биз аввал Мисрга эга чиқишимиз керак”, – деди у.

Наполеон бу ҳақдаги муҳокамага вақтини беҳуда сарфламай, топилиши мумкин бўлган минтақа ҳақидаги ҳар бир китобни синчиклаб ўрганиб чикди ва эътибори-

ни тортган жойларни кайд этиб кўйди. “Орзуларга тўла эдим, – деганди у кейинроқ. – Мен янги диннинг асосчиси сифатида бошимда салла, кўлимда манфаатларимга мос тушадиган ўзим ёзган янги “Қуръон” билан фил устида Осиёга бостириб кираётганимни кўрдим”.

1798 йилнинг баҳорида ҳамма нарсa тайёр ҳолатга келтирилди ва 19 май куни француз кўшинлари чиққан ҳарбий армада Тулон ва Марсел портларидан яширинча сузиб кетди.